**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**“Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш” факультети**

**“Ҳаёт фаолият хавфсизлиги” кафедраси**

**Ҳимояга рухсат этилсин**
**ҲФХ кафедраси мудири**
**__________И.Ахмедов**
**“_____”___________2013 й.**

# Бакалавр даражасини олиш учун

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***МАВЗУ: Зилзила оқибати ва авария қутқарув ишларини олиб бориш.***

(Паркент-Қорасув ИТБ Юқори Чирчиқ бўлими мисолида).

**БАЖАРУВЧИ:** **Б.ШОКАРИМОВ**

**РАҲБАР:** **С.ГАЗИНАЗАРОВА**

**Тошкент – 2013 й.**

**МУНДАРИЖА**


| Т.р. | Бўлимлар номлари | Бетлар |
|---|---|---|
| 1 | БМИ ни бажариш учун топшириқ. . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| 2 | Кириш. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| 3 | Мавзунинг долзарблиги. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| 4 | Объект ҳақида маълумот | |
| 5 | Объектдаги потенциал хавфлар. . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| 6 | Объектда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар таҳлили ва унинг олдини олиш ва уларнинг зарарини камайтириш тадбирлари. . . . . . . . . . . . . . . . | |
| 7 | Объектда содир бўлиши мумкин бўлган зилзила ва унинг оқибатлари. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| 8 | Авария - қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар . | |
| 9 | Объектда зилзила оқибатларини бартараф қилиш ҳамда қутқарув ишларини ташкил қилиш чора тадбирлари . . . . . . | |
| 10 | Зилзила оқибатларини аниқлаш. . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| 12 | Зилзилада авария қутқарув ишларини олиб бориш . . . . . . | |
| 13 | Объектда меҳнат мухофазаси масалалари | |
| 14 | Обектда атроф муҳит мухофазаси масалалари. . . . . . . . . | |
| 15 | Хулоса. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| 16 | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. . . . . . . . . . . . . . . | |
| 17 | Интернет маълумотлари. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | |

# КИРИШ

XXI асрга келиб, сайёрамизда табиий жараёнлар ниҳоятда кескинлашиб бормоқда. Бу ҳолни нафақат аҳён -аҳёнда содир бўлаётган зилзилалар, балки сел, кўчки ва бошқа турдаги табиий офатларнинг кўпайиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Юртимиз Ўзбекистонда ҳам турли хилдаги ФВлар юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўзбекистон ҳудудида содир бўлиш эҳтимоли бўлган табиий офатлардан: зилзила, сел, тошқин, кўчкилар кўпроқ учрайди. Масалан, зилзила Республикамиз ҳудуди сейсмик фаол 5-9 балли зонада жойлашган будиб, унда Андижон 9 балл, Тошкент, Самарканд Фарғона – 8 балл, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Қарши – 7 балли зилзила юз бериши эҳтимоли. Сел ходисаси – Тошкент, Самарканд, Қашқадарё вилоятлари ва Фарғона вилоятининг тоғли ҳудудларида кўпроқ учрайди. Тошқин – мамлакатимиз ҳудудида жойлашган дарёлар, кўллар, сув омборлари, йирик гидротехник иншоотлар жойлашган, яъни сув хавзалари атрофидаги зоналарда содир бўлади. Кўчки жараёни тарқалган ҳудудлар Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган вилоятларидаги зоналарни мисол келтириш мумкин.

Ҳозирги пайтда Республикамиз ҳудудида муҳум аҳамиятга эга бўлган йирик иқтисодиёт объектлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Булар, катта сув омборлари: Тошкент, Чорвоқ Андижон ва бошқалар; газ ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш объектлари: Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак газ; энергетика объектлари; автомобил саноати объектлари Асака, Самарқанд ва бошқалар. Шунингдек, ҳозирги кунда кимё саноатида 200 дан зиёд кимёвий иншоотлар фаолият олиб бормоқда. «Ўзбеккимёсаноат» корхоналари: Қўқон, Чирчиқ, Олмалиқ, Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларида жойлашган. Кимёвий моддалардан фойдаланиладиган Ўзқишлоқхўжалик, «Ўзгўштсут» муассасалари, Бекобод металлургия комбинати ва бошқа кўпгина корхоналардир. Бундан ташқари,

ҳаво, темирйўл, автомобил, метрополитен транспорт тизимлари ҳам кенг миқёсда ривожланиб бормоқда.

Юқорида келтирилган табиий офатлар, ҳудудимизда жойлашган иқтисодиёт объектларида ўзига хос, турли тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келиб, содир бўлгудек бўлса, аҳоли хавфсизлиги, инсон саломатлигини таъминлаш ўта мухим ва долзарб масалалардан бирига айланади.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт объектларни мухофаза қилишни юксак даражага кўтариш, уларни турли фалокатлардан сақлаб қолиш борасидаги ишлар, давлат миқёсида олиб борилаётган тадбирлар қаторида алохида ўрин эгаллайди. Шундай экан, мамлакатимизда буни хисобга олган хукумат, давлатимиз рахбарияти мазкур масала билан махсус шуғулланувчи ташкилот -Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ни ташкил этди. Унинг асосий вазифаси фавқулодда вазиятларни олдини олиш билан бир қаторда, юз берган тақдирда фавқулотда вазиятларни оқибатларини бартараф зарарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ. Айниқса фавқулодда вазиятларни оқибатларини бартараф этишда авария қутқарув ишларини қисқа муддатларда тезкор ўтказилиши бирламчи вазиятларга киради.

Фавқулодда вазиятларда авария қутқарув ишларини олиб боришда, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналиши бўйича тайёрланадиган мутахассислар олдига ушбу вазифаларни бажаришда, қуйидаги масалаларни, ўз вақтида ҳаракат қилиш, чора тадбирларни тезкор амалга ошириш, фавқулодда вазиятларда инсонларни ҳаёти, соғлиғини сақлаб қолиш, Фавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш ва оқибатини бартараф этиш ишларни амалга оширилиши авария қутқарув ишлари (АКИ)ни муваффақиятини таъминлайди.

## Мавзунинг долзарблиги

Инсоният ривожланишининг тарихи ер куррасида турли хилдаги офат, талофат, катастрофалар каби воқеа, ҳодисалар билан боғлик. Ушбу воқеалар юз берган ҳудудлардаги вазият, яъни табиий офатлар, турли авариялар йилдан йилга кўпайиб, қамрови кенгайиб бораётганлигини гувохи бўлмоқдамиз.

Республикамизда, бу борада фавқулодда вазиятларда, фуқаро муҳофазаси соҳасида қатор қонун ва хужжатлар ишлаб чиқилган. Фавқулодда вазиятларда фуқаро мухофазаснинг асосий вазифаларидан аҳоли хаёти, соғлиғи, моддий ва маданий бойликларни мамлакатимиз ҳудудида юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлар ларда мухофаза қилишдан иборат. Айниқса фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда, авария -қутқарув ва бошқа шошилинч ишларни муваффақиятли амалга ошириш, йил сайин кўпайиб бораётган фавқулодда вазиятлар оқибатини юмшатиш, зарарланиш ҳудудларида инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш алоҳида аҳа мият касб этади.

Қутқарув ҳамда шошилинч авария -тиклаш ишлари мураккаб шароитларда вайроналарда, кучли ёнғинларда, ер қимирлаганда, радиоактив, химиявий ва бактериологик зарарланганда, сув тошқини, сел босган ҳудудларда амалга оширилади. Қутқариш ва бошка кечиктириб бўлмайдиган ишлар қуйидагилардан иборат:

1. Одамларни қутқариш ва шикастланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш.

2. Ёнғинлар, фалокатларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва коммунал энергетика ҳамда технология тармоқларидаги аварияларни бартараф этиш.

3. Иқтисодиёт объектларда бундан кейинги бўладиган тиклаш ишларини ўтказиш учун шароитлар яратиш ва бошқалар.

Авария қутқарув ишларини бажаршда мутахассисларнинг юқори даражада кўникма, малака ва билимга эга бўлиши ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан биридир.

## 2. ОБЪЕКТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Юқори Чирчиқ тумани Тошкент вилоятининг шимолий шарқида жойлашган бўлиб, туманнинг шимолида Бўстонлиқ тумани ва Чирчиқ шаҳри, жанубида эса Ўртачирчиқ ва Оҳангарон туманлари, шарқда Паркент тумани ва ғарбда эса Тошкент шаҳри ва Қибрай туманлари билан чегарадошдир.

Туманнинг ер тузилиши турлича. ернинг ўртача нишаблиги 0,004 метрни ташкил этади. Туманнинг тупроғи лёссимон қумоқларданшаклланган оч тусли ва типик бўз тупроқлар киради.

Об-ҳавоси қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсишига мос, йиллик ўртача ёғингарчилик 360-730 мм га тўгри келади.

Туманнинг умумий ер майдони 44,5 минг гектар бўлиб, шундан суғориладиган майдон 26,5 минг гектарни ташкил этади.

Юқори Чирчиқ тумани Паркент-Қорасув ирригация тизим бошқармси таркибига киради. Паркент-Қорасув ирригация тизим бошқармси ҳудудида 3 та дарё жумаладан, Оҳангарон, Чирчиқ, Сирдарё дарёлари оқиб ўтади. Бу ҳудудда 2 та сув омбори яъни Оҳангарон, Тошкент сув омборлари ва кўплаб гидроузеллар, ирригация ва мелиорация тизимлари, 4 та насос станцияси ҳамда кўплаб гидротехник иншоотлари мавжуд.

Юқори Чирчиқ туманида 13 та хўжаликлараро каналлар, зовурлар, гидротехник ишоотлари, хўжалик ички каналлари, кўприқ, дюкерлар, гидропотлар эксплуатация қилинади. Уларнинг ишини доимий ва даврий равишда мутахассислар томонидан назорат қилиб турилади

1- жадвал

Юқори Чирчиқ тумани ҳудудида мавжуд бўлган хўжаликлараро каналлар тўғрисида маълумот

| № | Номи | Узунлиги | Сув ўтказиш қобилияти | Фойдали иш к-ти ФИК | Суғориш майдони |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Аганай | 9,3 | 6,3 | 0,9 | 1171,0 |
| 2 | Дархан | 4,74 | 4 | 0,9 | 435,0 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 | Кирсадак | 2,3 | 4 | 0,9 | 421,0 |
| 4 | Таштугизак | 7,3 | 3 | 0,9 | 1994,0 |
| 5 | БАВ | 6 | 23 | 0,9 | 5655,0 |
| 6 | БАВ-6 | 14 | 5 | 0,9 | 687,0 |
| 7 | БАВ-13 | 8 | 11 | 0,9 | 1841,0 |
| 8 | Ийк ота | 9,1 | 6 | 0,9 | 311,0 |
| 9 | Коратухум | 5 | 4 | 0,9 | 113,0 |
| 10 | Муртук | 8,1 | 1 | 0,9 | 206,0 |
| 11 | Карамазар | 8,2 | 1 | 0,9 | 100,0 |
| 12 | Унг тармоқ | 5,7 | 2,5 | 0,9 | 2263,0 |
| 13 | Балиқ | 7,63 | 2 | 0,9 | 429,0 |

Шу билан биргаликда туманда 147,7 км узунликдаги зовур тармоқари ҳам мавжуд.




1-расм. Хўжаликлараро Кирксадак канали




2-расм. Хўжаликлараро Коратухум канали.

2- жадвал

Юқори Чирчиқ тумани ҳудудида мавжуд бўлган зовурлар тизими ва улардаги иншоотлар тўғрисида маълумот

| № | Номи | Узунлиги, км | Сони | Иншотлар сони | Кўприклар сони | Сув ўлчагичлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Туманлараро зовурлар | 5,7 | 2 | | | 1 |
| 2 | Хўжаликлараро: Сарисув зовури | 64,6 | 9 | 3 | 3 | 3 |
| 3 | В-2-5 зовур тармоғи | 13,2 | 4 | 1 | | 1 |
| 4 | В-2 зовур таромоғи | 6,93 | 2 | | | 3 |
| 5 | РК-5-3 зовур | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тармоғи | 29,06 | 5 | 4 | 8 | 1 |
| 6 | В-3 | 28,12 | 5 | | | 1 |
| 7 | Жами хўжиликлараро | 142,05 | 25 | 8 | 11 | 9 |
| 8 | Жами туман бўйича | 147,75 | 27 | 8 | 11 | 10 |

## 3. ОБЪЕКТДАГИ ПОТЕНЦИАЛ ХАВФЛАР

Юқори Чирчиқ тумани географик жойлашиши, табиати, гологик жиҳатидан тоғли ва тоғ олди минтақсида жойлашган. Бу ерда турли тусдаги фавқулодда вазиятлар жумладан, зилзила, қор кўчкиси, кучли шамол, юқумли касалликлар, транспорт ҳалокатлари, портлаш ва ёнғинлар, энергетик коммунал тизимлаги авариялар, халокатлар, экологик фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин.

Туман ҳудудидаги йирик каналлар туманлараро зовурлар ва бошқа тури даражадаги сув иншоотлари мавжудлиги турли хил тошқинларни юзага келтириши мумкин.




3-расм. Хўжаликлараро Д-6 канали

Юқорида келтирилган фавқулодда вазиятлар натижасида одамларнинг талофат кўриши ва жарохат олиши мумкин. Сув тошқини натижасида автомобил йўллари, аҳоли яшаш жойларини сув босади. Коммунал тизимлар ва алоқа тармоғини издан чиқаради.




4-расм. Хўжаликлараро БАВ канали

Турли авариялар ҳам туман иқтисодиётига зарар етказади ва аҳоли ҳалокатига олиб келиши мумкиин.

Туман худудида юз берадиган яна бир табий офат бу зилизила бўлиб унинг натижасида жуда кўп бино иншоотлар зарар кўради ва бу йирик иқтисодий зарарга олиб келади.

Юқоридаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтириш вазифалари, фавқулодда вазиятлар бўлимлари, хизмат тармоқлари ва корхоналарда амалга оширилган. Буларга аҳолини хабардор қилиш, огоҳлантириш, эвакуация тадбирларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилган.

Тумандаги барча йирик объектларда эвакуация режалари ишлаб чиқилган ва белгиланган жойларга жойлаштирилган.

Юқоридаги тадбирлар билан бир қаторда фавқулодда вазиятлар юзага келганда айниқса зилзила юз берганда авария қутқарув ишларини ўтказиш, уни ташкил қилиш, зилзила оқибатини камайтириш тадбирларининг амалга оширилиши аҳолибилан бир қторда тумандаги барча объектлар ишчи ходимларидан алоҳида кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

## 4. ОБЪЕКТДА СОДИР БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ЗАРАРИНИ КАМАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ.

Умумий ҳолда фавқулодда вазиятлар сабаби ва келиб чиқиш манбаига қўра таснифланади, жумладан:

Табиий тусдаги ФВ;

Техноген тусдаги ФВ;

Экологик тусдаги ФВларга бўлинади.

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар табиий офат содир бўлиш жойи, сабаби, кўлами, моддий зарари ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Уларга 3 хил турдаги хавфли ходисалар киради:

1) геологик хавфли ходисалар: зилзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ходисалар;

2) гидрометеорологик хавфли ходисалар: сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометерологик ходисалар




5-расм. Атмосферанинг тузилиши уч қисмдан иборат. 1-ионосфера; 2-стратосфера; 3-тропосфера; 4-ер.

3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алохида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сарғайма, иситма), юқумли касалликлар, риккетциялар, эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги,

зооноз инфекциялар - Сибир яраси, қутуриш, вирусли инфекциялар - тарқалиш ҳолати дир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятлар инсонлар фаолияти билан боғлиқ бўлган, шунингдек, машина механизмларни ва жараёнларни бузилиши каби сабабларга кўра юзага келади. Буларга гидротехник иншоотлардаги авариялар, халокатлар, ёнғин чиқиши хавфи бор объектлардаги фалокат ва халокатлар, транспорт энергетика ва коммунал тизимидаги, кимёвий ва радиацион хавфли объектлардаги фалокатлар ва шу кабилар киради.

Бино - иншоотларни бузилиши;

Кимёвий ва радиоактив зарарланишлар;

Ёнғин - портлашлар, гидротехник иншоотларнинг бузилиши ва шу кабилар.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар.

1. Қуруқлик (тупроқ, ер остининг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: халокатли кўчкилар - фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

2. Атмосфера (хаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар, хаво муҳитини зарарловчи ингрnative диентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Хозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан келтирилган фавқулодда вазиятларнинг таснифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий сиёсий тавсифдаги фавқулодда вазиятлар;

б) харбий тавсифдаги фавқулодда вазиятларни киритиш мумкин.

Авариялар ва катастрофалар иқтисодиёт объектларида машина механизмлар, технологик жараёнлар ва ҳудудларда юз бериши эҳтимоли

бўлган фавқулодда вазиятларга боғлиқ равишда келиб чиқади. Қуйида техноген авариялар, уларнинг сабаби ва оқибатларига тўхталиб ўтамиз.

1 Ёнғин ва портлаш билан боғлиқ авария ва халокатлардаги фавқулодда вазиятларнинг асосий сабаблари, уларнинг салбий оқибатлари.

Ёнғин ва портлашларнинг асосий сабаблари.

Бирламчи ва иккиламчи шикастловчи омиллар.

Ёнғиндан заифликни оширувчи омиллар.

Ёнғин ва портлашларнинг олдини олувчи чора-тадбирлар.

Ёнғин ва портлашдан хавфли объектларни тоифаларга бўлиш.

Портлаш.

Портлашнинг асосий шикастловчи омиллари.

Ёнғинга қарши кураш чора-тадбирлари: ҳуқуқий, меьёрий, ташкилий, мухандис-техник,

Ёнғин ва портлаш оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятлардан аҳолини ва ҳудудларни мухофаза қилиш тадбирлари: олдини олиш, қутқариш .

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида» (30.09.2009йил)ги қонуни бундай ФВларда чора тадбирларни аниқлайдиган хуқуқий асос хисобланади.

Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ёнғинлар профилактикасини ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

Ёнғинларни ўчириш, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқариш (9-расм).




6-расм. Ёнғинни пайдо бўлиши.



7-расм. Объектларда ёнғин.

2. Транспортдаги авария ва халокатлар:

а)  хаво транспортидаги авария ва халокатлар;

б) темир йўл транспортида авария ва халокатлар;

в) автомобиль транспортидаги авария ва халокатлар;

д) нефть, газ қазиб чиқариш скважиналарида ва магистралларида юзага келиши мумкин бўлган авариялар.

Энергетика тизимидаги авариялар.

Коммунал хўжаликдаги авариялар.

Юқорида кўрсатилган авариялар шароитида аҳолининг ҳаракати ва мехнат фаолияти: а) хабар бериш, б) қуткариш, в) ёрдам.

Транспортнинг хохлаган тури инсон саломатлиги ва хаёти учун хавф туғдиради. Техник тараққиёт бир вақтнинг ўзида ҳаракатланиш қулайлиги ва тезлиги билан бирга анчагина катта даражадаги хавф-хатарни ҳам юзага келтирди. Транспорт авариясининг туридан келиб чиқиб, кўплаб жарохат ва куйиш, жумладан инсон хаёти учун хавф туғдирадиган шикастларни олиш эҳтимоли мавжуд.

Темир йўл транспортидаги авариялар. Темир йўл транспортидаги авария ва халокатларга асосан йўллар, ҳаракатдаги таркиб, сигнализациянинг носозлиги, диспетчерлар хатоси, машинистларнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги сабаб бўлади.

Ҳаракатдаги таркибнинг рельслардан чиқиб кетиши, тўқнашувлар, переездлардаги тўсиқларга бориб урилиш, бевосита вагонларнинг ўзида ёнғин ва портлашларнинг келиб чиқиши кўпроқ содир бўлади. Шунга қарамай, поездда юриш самолётда учишдан тахминан уч марта, автомобилда юришдан 10 марта хавфсизроқдир.

Асосий профилактика қоидалари. Хавфсизлик нуқтаи назаридан олиб қараганда поезддаги энг яхши жойлар - марказий вагонлар, авария чиқиш жойи - деразаси мавжуд бўлган ёки чиқиш эшигига яқин жойлашган купелар, пастки ўриндиқлардир.

Вагонга чиқишингиз биланоқ, авария чиқиш жойлари ва ўт ўчиргичлар қаерда жойлашганлигини билиб олинг. Қуйидаги қоидаларга риоя қилинг:

-поезд ҳаракатда бўлган вақтда ташқи эшикларни очманг, зиналарда турманг ва деразадан бошингизни чиқарманг;

- юкларингизни юқоридаги юк жойлаштириладиган токчаларга яхшилаб жойлаштиринг;

- зарурат бўлмаса стоп-кранни ишга туширманг;

- хатто ёнғин чиққан тақдирда ҳам кўприк устида, тоннелда ва эвакуация ўтказиш қийинлашиб кетадиган бошқа жойларда поездни тўхтатиш мумкин эмаслигини ёдда тутинг;

- фақат белгиланган жойларда чекинг;

-ўзингиз билан ёнувчи, кимёвий ва портлаш хавфи мавжуд моддаларни олманг;

- вагоннинг электр тармоғига маиший рўзғор асбобларини уламанг;

- ёнаётган резина хидини сезсангиз ёки тутун пайдо бўлса, зудлик билан вагон кузатувчисига мурожаат қилинг.

Авария вақтида ёнилғи тўкилиб кетган бўлса, поезддан хавфсиз масофа узоқда, ёнғин ёки портлаш ходисаси содир бўлиши мумкин.

Ток ўтувчи сим узилиб, ерга осилиб қолган бўлса, ундан сакраб-сакраб қисқа қадамлар билан узоқлашинг. Электр токи ер юзаси бўйлаб узатиладига масофа 2 метрдан (қуруқ ер) 30 метргача (нам ер) бўлиши мумкин.

Автомобиль транспортидаги авариялар. Автомобиль транспортидаги аварияларнинг 75 фоизга яқини хайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоида лари қўпол бузиши оқибатида келиб чиқади. Тезликни ошириш, йўл белгиларига эътиборсиз бўлиш, қарама-қарши йўлакка ўтиб олиш ва автомобилни маст холи бошқариш хар доимгидек қоида бузарликнинг янада хавфли кўриниши бўлиб қолмокда. Аварияларга кўпинча йўлларнинг яроқсиз холга келиши (асоси сирпанчиқ), машиналарнинг носозлига (биринчи ўринда тормоз, иккинчи ўринда руль бошқаруви, учинчиси, ғилдирак ва шиналар) сабаб бўлади.

Автомобиль аварияларида жарохатланганларнинг 80 фоизи кўп йўқотиш оқибатида дастлабки уч соатда халок булади.

Жамоат транспортида ўтиришга жой бўлмаган тақдирда салоннинг марказига ўтиб туришга ҳаракат қилинади. Авария ва захира чиқиш йўлларининг жойлашувига эътибор берилади. Трамвай ва троллейбусларнинг электр манбаи ишхшнинг электрдан жарохатланиишда қўшимча хатар келтириб чиқаради (айниқса, ёғинли хавода). Шунинг учун ўтирадиган жойлар хавфсизроқ хисобланади. Агар салон кучланиш остидалиги маълум бўлса уни тарк этиш лозим. Авария вақтида чиқиш йўлида тикилинч бўлиши мумкин. Бундай пайтда авария чиқиш йўлидан фойдаланилади.

Хаво транспортидаги авариялар. Авиация халокатлари куплаб сабабли туфайли содир бўлади. Самолёт айрим конструкцияларининг бузилиш двигателларнинг ишламай қолиши, бошқарув тизими, электр, алоқа, ўчириш тизимининг ишдан чиқиши, ёқилғи етишмаслиги, экипаж ва йўловчилар хавфсизлигини таьминлащдаги узилишлар оғир оқибатларга олиб келади.

Декомпрессия - бу самолётнинг герметиклиги бузилганда салондан хаврнинг сийраклашишидир. Тез декомпрессия одатда қаттиқ ғувиллаш билан бошланади (хаво чиқиб кетаётган бўлади). Салон чанг ва туман билан тўлади. Кўриниш бирдан пасаяди. Одам ўпкасидан хаво тез чиқиб кета бошлайди ва умуман ушлаб қолиб бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида қулоқларда шанғиллаш ва ичакда оғриқ пайдо бўлиши мумкин.

Хар қандай вазиятда ҳам вахимага берилмасдан, дадил ҳаракат қилинса, бу инсоннинг омон қолишига ёрдам беради.

Сув транспортидаги авариялар. Сувдаги йирик халокатлар ва аварияларнинг кўпчилига бўрон, довул, туман, музлар сабабли, шунингдек, (капитанлар, лоцманлар ва экипаж аъзоларининг айби билан содир бўлади. Авариялар кўпинча кемаларни лойихалаштириш ва қурилишидаги янглишиш ва католиклар туфайли ҳам содир бўлиши мумкин.

Йўловчини мухофаза қилишнинг дастлабки чораси сифатида кеманинг юқори сахнидаги кутқарув кемачаларига олиб борадиган йўлни эслаб қолишни тавсия қилиш мумкин. Чунки халокат пайтида, айниқса, тутун ичра ва кема-ёнбошга қийшайиб қолганда мўлжал олиш қийинлашади.

Сувда хавога нисбатан иссиқликни йўқотиш бир неча баробарга тезлашади. Шунинг учун хаттоки илиқ сувдаги ҳаракат ҳам фақат сув юзасида қолишга қаратилган бўлиши керак.

Кимёвий ва радиацнявий хавфли корхоналардаги халокатлар.

Кимёвий авария - бу ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни бузилиши, қувур ўтказгичлар, сиғимлар, қўриқланадиган омборхоналар транспорт воситаларининг шикастланиши натижасида одамларнинг соғлиғи

ва хаёти учун, биосфера фаолияти учун зарарли бўлган кимёвий хавфли моддаларнинг чиқиб кетишидир.

Авария туғдирувчи (кимёвий хавфли моддалар (АКХМ) - асосан аммиак, фосген, синиль кислотаси, қўрғошинли ангидрид ва бошқаларни йирик захиралари кимё, целлюлоза - қоғоз ва қайта ишлаш комбинатлари минерал ўғитлар, қора варангли металлургия заводлари, шунингдек, музлатувчи комбинатлар, пиво заводлари, қандолатчилик фабрикалари, сабзавот базалари ва сув станцияларида мавжуд.

Кимёвий авариянинг инсонлар ва хайвонлар учун хавфи организм меъёри ҳаёт фаолиятининг бузилиши ва келгусида генетик оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги билан белгиланади. Маълум шароитларда эса организм кимёвий моддаларнинг нафас йўллари, терц, шиллиқ пардалар, яралар орқали  озиқ - овқат билан бирга тушиши хатто ўлимгача олиб келиши мумкин.

Радиациявий авария - бу ядровий-энергетик қурилмалар, ускуналар ёки мосламалардан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида аҳолининг нурланиши ва атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келган радиоактив маҳсулотлар ёки ионлаштирувчи нурларнинг улардан хавфсиз фойдаланиш бўйича лойихада белгиланган доиралардан чиқиши.

Бундай аварияларнинг асосий зарарловчи омиллари радиациявий таъсир ва радиоактив ифлосланиш хисобланади. Авариялар портлаш ва ёнғинлар билан кечиши мумкин.

Инсонга радиациявий таъсир турли органлар (асаб тизими, ошқозон-ичак йўллари)нинг хаётий функциялари бузилиши ва ионлашган нурланишлар таьсири остидаги нурланиш касалликларининг ривожланишида намоён бўлади.

Радиоактив ифлосланиш альфа-, бета- ва гамма-ионлашган нурланишдан келиб чиқади ва авария вақтида қайд этиш қийин бўлган элементлар ажралиб чиқиши ва ядро реакцияси хосилаларининг бўлиниши (радиоактив қурум,

ядро махсулоти бўлаклари), шунингдек, турли радиоактив материаллар: предметлар (масалан, тупроқ) ташкил топишида намоён бўлади.

Гидротехник иншоотларда фавқулодда вазиятларга олиб келувчи асосий сабаблар ва уларнинг салбий оқибатлари.

Гидротехник авария - бу гидротехник иншоот ёки унинг бир қисми издан чиқиши (бузилиши) ва катта ҳудудларнинг бошқариб бўлмайдиган сув массаси остида қолиши билан боғлиқ фавқулодда ходисадир.

Гидротехник иншоотларнинг бузилиши табиат кучларининг ҳаракати (зилзила, довул, тўғонларнинг ювиб кетилиши) ёки инсон таьсири (ядровий ёки оддий қурол билан гидротехник иншоотлар, йирик табиий тўғонларга зар бериш), шунингдек, лойихалашдаги хатолар ёки қурилишдаги нуқсонли туфайли юзага келади.

Гидродинамик аварияларнинг оқибатлари:

- гидроузелларнинг шикастланиши ва бузилиши ҳамда қисқа ёки узоқ вақт давомида ўз функцияларини бажара олмай қолиши;

- гидротехник иншоотлар бузилиши натижасида юзага келадиган баландлиги 2 метрдан 12 метргача бўлган ва тезлиги 3-25 км/с (тоғли ҳудудлар 100 км/с гача) бўлган ёриш тўлқинининг одамларга талофот етказиши: биноларни вайрон қилиши:

- катта ҳудудларнинг 0,5-10 м ва ундан кўпроқ баландликдаги сув остида қолиши.

Умумий холда, ФВларда уларнинг зарарини камайтириш, оқибатини юмшатиш, бартараф қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади. Бунда фуқаро муҳофазаси мухандислик-техник тадбирлари амалга оширилади. Тадбирлар аҳолини муҳофаза қилиш, ФВ лар келтирадиган зарарни камайтириш, иқтисодиёт объектлари, тармоқларининг ишлаш барқарорлигини ошириш ва табиий офат ҳудудларида қутқариш ишларини олиб бориш учун керакли шароит яратиш билан боғлиқ.

Фуқаро мухофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни бажариш учун давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг

ваколатларини ҳамда фуқаро мухофазаси кучлари ва воситаларини жамлаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан,

1. Аҳоли ва объектларни ФВ пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан химоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш.

2. Бошқарув, хабар бериш ва алока тизимларини ташкил этиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш.

3. Халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш.

4. Аҳолини, моддий ва маданий бойликларини хавфсиз жойларга эвакуация қилиш.

5. Аҳолини умумий ва шахсий химоя воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш.

8. Радиациявий, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш.

9. Қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш.

10. ФВларда зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш.

11. Аҳолини ва ҳудудларни мухофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўътадил хаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишлар давлат органлари орқали, фуқаро мухофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

3-жадвал

Объект элементарини мухофаза қилиш бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумот (2012 й.)

| № | Манбалар номи | Сони, дона | Узунлиги | Қирғоқ олди минтақа | Мухофаза минтақа | Хокимият қарори | Бошқармага ўтказилган майдон |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | км | га | га | | га |
| 1 | Каналлар | 27 | 158,19 | 158,19 | 1318,17 | | 61,82 |
| 2 | Зовурлар | 18 | 117,85 | 222,32 | 353,95 | | 62 |

4-жадвал

Алоҳида объектлар элементарини мухофаза қилиш бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумот (2012 й.)

| | Каналларнинг номи | Корхоналар хўжаликлар номи | Ажратилган майдон, га | Узунлиги, км | Қирғоқ олди минтақа, га | Мухофаза минтақа, га |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Хўжаликлараро каналлар | | | | | | |
| Дўстлик | | | | | | |
| | 1 октября 2001г. | Дўстлик | 1,48 | 8 | 28,61 | 57,22 |
| | Таштугизак | Саксонота | 4,6 | 7,3 | 27,87 | 68,05 |
| | Аганай | Бирлик | 9,62 | 9,55 | 42,56 | 106,4 |
| | Гулистон | | | | | |
| | Гулистон | | 118,25 | 56,0 | 190,23 | 426,25 |
| | Жами хўжаликлараро каналлар | | 158,19 | 61,82 | 554,21 | 1318,17 |

5-жадвал

Юқори Чирчиқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бо шқармасида каналлар ва сувни мухофазалаш ишларнинг бажарилиши

| | Каналларнинг номи | Корхоналар хўжаликлар номи | Ажратилган майдон, га | Узунлиги, км | Қирғоқ олди минтақа, га | Мухофаза минтақа, га |
|---|---|---|---|---|---|---|

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Коллектор ва зовурлар | | | | | | |
| | | Ийкота | 7,5 | 12,5 | 25 | 37,5 |
| | | Дўстлик | 3 | 16 | 10,4 | 15,6 |
| | | Ўзбекистон | | | | |
| | | Ийкота | 2,6 | 5,2 | 10,4 | 15,6 |
| | | А.Яссавий | 5 | 9,9 | 10,8 | 29,7 |
| Ийкота | | | | | | |
| | | Ийкота | 2,5 | 4,2 | 8,4 | 12,6 |
| | | Саксонота | 2 | 3,7 | 7,4 | 11,1 |
| | | Саксонота | 1,5 | 3 | 6 | 9 |
| | | Гулистон | 4 | 1,6 | 1,6 | 2,4 |
| Ўзбекистон | | | | | | |
| | | Гулистон | 4 | 2,2 | 2,2 | 3,3 |
| | | Ўзбекистон | 5 | 9,7 | 19,4 | 38,3 |

## 5. ОБЪЕКТДА СОДИР БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗИЛЗИЛА ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Инсоният тарихида юзларча дахшатли зилзилалар бўлиб ўтгани ёзма манбалардан маълум. Юнонистондаги кадимги Помпей харобалари шундан далолат беради. Олимлар уммон тубидан кўплаб кадимий шахарларнинг харобаларини топишган. Хозирги Иссиқкўл қирғоқларида ҳам к ўхна давр иншоотлари, саройлар ва қасрларнинг қолдиқлари ҳамон сақланиб, қадимий даврдаги ер силкинишларидан гувохлик бериб турибди. Охирги 50 йил ичида бўлиб ўтган кучли зилзилалар ичида вайронагарчилик ва курбонлар миқёсига кўра Чили, Сан-Франциско, Токио, Ашхобод, Арманистон ва Тошкентдаги зилзилалар ажралиб туради. 1948 йилги Ашхобод зилзиласи (100 минг одам халок бўлган, 8-9 балл) дан кейинги энг дахшатли фожеа Спитак зилзиласи (унда 30 минг одам халок бўлган) бўлди. Зилзила 1988 йили 7 декабр куни содир бўлди. Дастлабки кучли силкинишнинг ўзидаёқ 20 минг кишилик аҳолиси бўлган Спитак шахри ва унинг атрофидаги бир неча қишлоқлар бутунлай яксон бўлди. Аҳолиси 200 минг кишидан иборат бўлган Ленинакан шахридаги замонавий биноларнинг ярмидан кўпи қулади ёки тиклаб бўлмайдиган ахволга келди. Аҳолиси 120 минг кишидан иборат бўлган саноат маркази Кировакан шахри ва атрофидаги қишлоқлар катта талофат кўрди.

Сан-Францискода 1906 йил 18 апрелдаги ер қимирлашда 700 киши халок бўлган. Моддий зарар 1,5 миллиард долларни ташкил қилган. Икки кун давом этган ёнғин мобайнида 500 га якин квартал ёниб, қарийб хеч нарса қолмаган, ҳаммаси бўлиб 350 минг киши қурбон бўлган.

Ер юзидаги зилзилаларнинг 10 % Японияда бўлади. 1946-76 йилларда бўлган 11 зилзилада 5410 киши халок бўлган, вайрон бўлган уйлар 113400 та, Токио да 1885 йилда 10000 одам қурбон бўлган, 14346 уй вайронага айланган.

Ўзбекистондаги энг қадимги зилзилалар хақида ёзма ахборотларда кўрсатилишига қараганда катта офат келтирган зилзилалар 818 йилда-

Бухорода, 838 йилда Фаргонада, 1208 йилда Хоразмда, 1820 йилда - (8-9) балли Фарғонада бўлган. Энг кучли зилзила Ўзбекистонда 1902 йилда 8-9 балли Андижонда юз берган. 1946 йилда Наманганда (Чотқол зилзиласи), 1868 ва 1966 йилларда Тошкентда (7-8 балл 1000 мартагача), Газлида (8-9-10 балл), Тожикистонда 1907 йилда, Хисорда (9-10 балл, унда 15 га яқин қишлоқлар вайрон бўлган, 1000 га яқин одам ҳалок бўлган) зилзилалар бўлган. 1911 йилда Помирда Сарез зилзиласи юз берган. Тоғ ўпирилиб, Усой деган тўғон ҳосил қилган. Мурғоб дарёсини тўсиб қолиб, Сарез деган кўл пайдо бўлган. 1949 йилда Хайит қишлоғида, 70 метр баландликда, узунлиги 5 метр, кенглиги 1 километр ер ўпирилган.

Бевосита зарарлар:

гидротехника иншоотлари, иморатлар, автомобиль ва темир йўллар, электр узатиш ва алоқа узатиш линиялари, энерготизимлар, мелиорация тизимлари объектларидаги талофатлар; чорва моллари, қишлок; хўжалик экинзорлари, ер-сув ва ҳосилнинг нобуд бўлиши хом ашё, ёқилғи, озиқ-овкат махсулотлари, чорва озуқалари, саноат маҳсулотлари, ўғитлар ва ҳ.к. зарарланиш қолиши; аҳолини хавфсиз жойларга вақтинча кўчириш ва моддий бойликларни ташиш харажатлари; ернинг хосилдор қатлами ювилиб кетиши (эррозияси) ва ерларни балчиқ босиши.

Билвосита зарарлар:

Озиқ - овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, дори-дармонлар, қурилиш материаллари, техника, чорва озуқалари ва бошқа хом-ашё сотиб олиш ва жойларга етказиб бериш харажатлари; саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг камайиши ҳамда иқтисодиёт ривожланиш суратининг пасайиши; махаллий аҳоли хаёт шароитининг ёмонлашуви; сув босган ҳудуддан самарали фойдаланишнинг иложи йуқлиги; шунингдек, махаллий шароитга боғлиқ баъзи омиллар.

Зилзила таъсири ер силкиниш кучининг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Ер силкиниш кучига қараб қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

1 балл — сезиларсиз, фақатгина сейсмик асбоблар қайдқилади;

2 балл — жуда кучсиз, уй ичида ўтирган баъзи одамлар сезиши мумкин (дераза ойналари титрайди);

3 балл — кучсиз, кўпчилик одамлар сезмайди, очиқ жойда тинч ўтирган одам сезиши мумкин. Осилган жисмлар аста секин тебранади;

4 балл — ўртача сезиларли. Очиқ жойда, бино ичида турган одамлар сезади. Уй деворлари қирсиллайди. Рўзғор анжомлари титрайди, осилган жисмлар тебранади;

5 балл — анча кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, баъзи одамлар ховлига югуриб чиқади. Идишлардаги суюқлик чайқалиб тўкилади, осилган уй жихозлари қаттиқ тебранади;

6 балл — кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, кўпчилик одамлар ховлига югуриб чиқади. Уй хайвонлари бетоқат бўлади. Баъзи холларда хонадаги тик буюмлардан, рўзғор буюмлари жавонларидаги идишлар ағдарилиб тушади;

7 балл — жуда кучли. Кўпчилик одамларни қўрқув босади, кўчага югуриб чиқади, автомобиль хайдовчилари ҳаракат вақтида ҳам сезади, уй деворларида катта- катта ёриқлар пайдо бўлади, ховузлардаги сув чайқалади ва лойқаланади.

8 балл — емирувчи. Хом ғиштдан қурилган иморатлар бутунлай вайрон бўлади, анча пишиқ қилиб қурилган иморатларда ҳам ёриқлар пайдо бўлади, уй тепасидаги мўрилар йиқилади, баъзи дарахтлар бутун танаси билан йиқилади, синади, тоғлик жойларда қулаш, сурилиш ходисалари юз беради.

9 балл — вайрон қилувчи. Зилзила мустахкам қилиб қурилган иморат ва иншоотларни ҳам қаттиқ шикастлайди. Оддий иморатлар бутунлай вайрон бўлади, ер юзасида ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқиши мумкин.

10 балл — яксон қилувчи. Ҳамма иморатлар яксон бўлади. Темир йўл излари тўлқинсимон шаклга келиб бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости коммунал қувурлари узилиб кетади, чўкиш ходисалари юз беради. Сув

хавзалари тўлқинланиб қирғоққа урилади, қояли ён бағрларда катта - катта сурилиш ходисалари содир бўлиши эҳтимоли бор.

11 балл — фожиали. Ҳамма иморатлар деярли вайрон бўлади, тўғонлар ёрилиб кетади, темир йўллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки қисмида катта- катта ёриқлар пайдо бўлади, ер остидан балчиқлар кўтарилиб чиқади, сурилиш, қулаш ходисалари ниҳоясига етади.

12 балл — кучли фожиали. Ернинг устки қисми ер рельефи ўзгаради. Ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзгариб шаршаралар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

МДХ ҳудудининг 20 фоизга яқин ери сейсмофаол минтақа ҳисобланади, бундай ҳудудларга асосан тоғли ўлкалар, Кавказ орти, Шимолий Кавказ, Карпат бўйи, Жанубий крим, Молдавия, Сахалин, Камчатка, Курил ороллари, Туркманистон ва Ўрта Осиёнинг тоғли ўлкалари киради.

Шунинг учун хар бир корхона рахбари зилзила оқибатларини камайтиришнинг асосий тадбирларини билиши зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

• ҳудуднинг сейсмик харитаси, унда зилзила бўлиш эҳтимоли бор жойлар ва унинг кучи кўрсатилади;

• зилзилага бардош берадиган уйлар ва саноат иншоотларини куриш;

• зилзила содир бўлиб қолган холда аҳоли ўзини қандай тутиши ва хатти ҳаракатлари хақида тушунтириш;

• сейсмик станцияларда узлуксиз навбатчиликни ташкил қилиш ва олиб бориш;

• зилзилалар хақида аниқ хабар ва алоқа тизимини ташкил қилиш;

• қутқарув, куч ва воситаларни тайёр холга келтириб қўйиш;

• аҳолини хавфсиз, ўз вақтида эвакуация қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

• моддий техник таъминоти (плакатлар, озиқ овқат, дори дармон) захираларини ташкил қилиш;

• зилзила хақида хабар берувчи белгиларни аҳолига тушунтириш ва ўз вақтида қўллаш.

Зилзилани тавсифлайдиган белгилар қуйидагилардан иборат:

• ер остки сувларининг физик кимиёвий таркибининг ўзгариши (лабораторияда аниқланади);

• қушлар ва уй хайвонларининг безовталаниши, газ хидининг келиши, хавода чақмоқ чақиши ва ёруғлик пайдо бўлиши;

• бир бирига яқин, лекин тегмаётган электр симларидан учқун чиқиши, уйларнинг ички деворларида зангори шулалар пайдо бўлиши ва люминисцент лампаларининг ўз ўзидан ёниши.

## 6. АВАРИЯ - ҚУТҚАРУВ ВА БОШҚА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ИШЛАР

Барча поғоналардаги фуқаро муҳофазаси бошқармаларининг ва авария-қутқарув ишлари (АҚИ) ни ўтказиш хакидаги қарори олдиндан, тинчлик даврида қабул қилинади ва у тинчлик даврига ва харбий ҳаракатлар даврига мўлжалланган фуқаро муҳофазаси режаларининг таркибий қисми ҳисобланади. Бироқ, фуқаро муҳофазаси бошлигининг қутқарув ва бошқа шошилинч ишлар ўтказиш ҳақида олдиндан қабул қилинган қарори тахминий тузилган бўлади. Шунга қарамай, у ишларни ўтказишга таъсир кўрсатадиган йил фасли, кеча - кундуз вақти, метеорологик ва бошқа омиллар ҳисобга олинган амалдаги шароитга мувофиқ ўтказиш бошқарув органлари ишини енгиллаштиради.



8-расм. Тошкент зилзиласи оқибатлари. 1966 й.

Қутқарув ва шошилинч ишларини бажариш учун тинч вақтда иқтисодиёт объекти бошлиғининг буйруғи билан гуруҳлар тузилган бўлиши керак. Ҳар қайси тармоқ бошчилигида гурухлар, фавқулоддаги вазият юз берганда, ўз вазифаларини бажаришга киришишлари лозим. Қутқарув ишларини олиб боришга керакли кучлар ва воситалар аниқланади. Махаллий давлат хокимияти органларининг фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланади.

Махаллий давлат хокимияти органлари фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш соҳасида:

фавқулодда вазиятлар чоғида аҳолини ва ҳудудларни мухофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чикадилар;

аҳолининг ва ҳудудларнинг мухофазаланишига оид ахборотлар белгиланган тартибда тўпланиши ва алмашинилишини, шунингдек фавқулодда вазиятлар тахдиди борлиги ёки рўй берганлиги тўғрисидаги аҳоли ўз вақтида воқиф ва хабардор этилишини амалга оширадилар;

моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратадилар, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини, молиялашни амалга оширадилар;



9-расм. Газли зилзиласи оқибатлари. 1984 й.

идоравий мансублигидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларда барқарор ишлаш имкониятини оширишга ёрдамлашадилар;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича корхона, муассаса ва ташкилотлар кучлари ва воситаларининг шай холда туриши устидан назоратни амалга оширадилар;

авария, халокат, табиий офатлар содир бўлган зоналарда қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга ошириш учун авария-қутқарув кучлари (шу жумладан тезкор ҳаракат бўлинмалари) ва махсус тузилмаларнинг доимо шай бўлиб туришини ташкил этадилар;

авария - қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ташкил этадилар ҳамда амалга оширадилар, шунингдек бундай ишлар ўтказилиши чоғида жамоат тартиби сақланишига кўмаклашадилар;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Объектларнинг фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари белгиланган.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш соҳасида:

ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштиришлари, молиялашлари ва амалга оширишлари;



10-расм. Қамаши залзаласи оқибатлари. 2000 й.

хавф манбаи юқори бўлган объектлар хавфсизлиги тўғрисида белгиланган тартибда декларация тақдим этишлари;

ходимларни фавқулодда вазиятлар шароитида харбийлаштирилмаган тузилмалар таркибида мухофазаланиш усулларига ва ҳаракат қилишга ўргатишлари;

хабар бериш махаллий тизимларини яратишлари ва доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари ҳамда фавқулодда вазиятлар тахдиди борлиги ёки рўй берганлиги тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилишлари;

фавқулодда вазиятлар шароитида объектлар иши ҳамда ходимлар ҳаёт фаолияти барқарор кечишини таъминлашлари;

мухандислик-химоя иншоотлари, заруратга қараб, олдиндан барпо этилишини таъминлашлари ҳамда уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари;

фавқулодда вазиятлар рўй бериш эҳтимолини назарда тутиб, белгиланган тартибда моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратишлари;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш кучлари ва воситалари яратилишини, тайёргарликдан ўтказилишини ҳамда шай бўлиб туришини таъминлашлари;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режаларига мувофиқ ўз тасарруфидаги объектларда авария-қутқарув ишлари ўтказилишини таъминлашлари;

белгиланган тартибда ихтисослашган хизматлар ва тузилмаларни яратишлари, уларни шахсий таркиб, техника ва анжом билан тўлдиришлари;

белгиланган тартибда эвакуацияга оид тадбирларни ўтказишлари ва одамларни жойлаштириш учун олдиндан базалар тайёрлаб қўйишлари;

белгиланган тартибда фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш соҳасида ахборотлар тақдим этишлари шарт.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдаги иштироки;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, ижтимоий ва маданий обьектларнинг санитария ва экологик ҳолати устидан назорат амалга оширилишига ёрдам берадилар;

фуқароларни фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга жалб қиладилар;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа чораларни амалга оширадилар. Авария қутқарув ишлари фани фуқаро мухофазаси махсус тадбирларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда ушбу мақсадларда куч ва воситаларни тайёрлаш учун республика, вилоят, туман, шаҳар, шунингдек, объект миқёсидаги фуқаро мухофазаси хизматлари ташкил этилади. Фуқаро мухофазаси хизматларининг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Фуқаро мухофазаси кучлари фуқаро мухофазаси қўшинлари, тизимларидан таркиб топади. Фуқаро мухофазаси кучлари ва воситаларининг таркиби, уларнинг таркибий тузилиши, шунингдек, мухофаза турлари

фаолиятининг бошқа жихатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро мухофазаси бошлиғи томонидан белгилаб қўйилади.

Фуқаро мухофазаси вазифаларини хал этишда ФВВ кучларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг қутқарув тизимлари, қисмлари ҳам жалб этилиши мумкин. Фавқулодда вазиятлар в азирлиги фуқаро мухофазасининг қўшинлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро мухофазаси кучларининг асосини ташкил этади.

# 7. ОБЪЕКТДА ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРАТАРАФ ҚИЛИШ ҲАМДА ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

## 7.1. Зилзила оқибатларини аниқлаш.

Юқори Чирчиқ тумани Паркент-Қорасув ИТБ бўлимида зилзила таъсири натижасида бино иншоотларнинг зарарланиши, канал гидротехник иншоотларнинг бузилиш ҳолатлари юзага келиши эҳтимоли мавжуд.

Биз бу бўлимда Юқори Чирчиқ тумани Паркент-Қорасув ИТБ бўлимида маъмурий бинонинг зилзила таъсиридаги ҳолатини кўриб ўтамиз. Бино 2 қават бўлиб унда бошқарув маъмурият ишчи хизматчилари фаолият олиб борадилар.

Ушбу бинодаги зилзила ҳолати учун ҳисоб китоблар ва қутқарув ишларини амалага оширишни кўриб ўтамиз.

бино баландлиги H=8 метр;

бино узунлиги L=24,8 метр

бино эни B=22,4 метр



11-расм. Объектнинг зилзила оқибатидаги эҳтимолий ҳолати.

Зилзиланинг оқбатини аниқлашда қуйидагилар ҳисоб китоб қилиниб аниқланади.

- ҳалокатли талофат курган, жарохахпанган одамлар сонини. ҳаёт шароити издан чиккан одамлар сонини.

- кулаган, кисман бузилган, огир, уртача ва енгил даражада талофат курган (5, 4, 3, 2 ва 1- даражали талофатлар) бинолар сонини.

- вайроналар хажми.

- ахоли яшаш жойларининг огир зарар курган, кисман бузилган ва кулаган (3, 4, ва 5- даражали талофатлар) курилишлар эгаллаган майдонини.

- зарар курган ва кисман бузилган иншоотларнинг мустахкамлаш (ски бузиб ташлаш)талаб килинадиган кисми сонини.

- вайроналар хусусиятларини.

- кумилиб колг ан кучалар ва утиш зкойларининг узунлигини.

- коммуникация -энергетика тармогидаги авариялар сонини.

- ёнгин хавфи булган холатларни аниклаш имконини беради.

Вайроналарга олиб келувчи зилзила худудларида вазиятни асосан авария куткарув ва кечиктириб булмайдиган ишлар хажмини белгиловчи курсаткичларга караб бахоланади.

Вайроналарга олиб келувчи зилзила худудларида авария куткарув ишларининг хажмига ва ахоли хает шароитларини яратиш масалаларини хал килишга таъсир курсатувчи асосий курсатгичлар куйидагилар:

- жабр курган кишилар сони.

- хаёт шароитидан ажраган кишилар сони.

- кулаган, кисман бузилган, огир, уртгча ва енгил даражадаги зарар курган бинолар сони.

- вайроналар хажми

- Асосий курсатгичлардан ташкари мухандислик вазиятни бахолашда кечиктириб булмайдиган гадбирларни таижил килиш учун фойдаланиладиган кушимча курсатгичларни аниклаш мумкин:

- огир даражада зарар курган, кисман бузилган ва кулаган бинолар эгаллаган шахарнинг вайрон булган кисми майдони.

- мустахкамлаш (ёки тулик бузиб ташлаш) тапаб килинадиган ва зарар курган, кисман бузилган (консгрукциялар) бинолар сони.

- вайроналар тафсилоти (характеристикаси).

- коммунап энергетика тармогидаги авариялар сони.

Зилзила ларда оқибатида ва бинолар бузилиши конунлари ва бинолар класификацияси.

Зилзила окибатларини аникпаш буйича хисоб-китобларни амалга оширишда ММСК-86 сейсмик шкалада келтирилган бинолар классификациясидан фойдаланиш талаб килииади. Ушбу шкалага асосан бинолар икки гурухга ажратилади.

- зилзилага бардошлилик тадбирлари кулланилмаган бино ва иншоотлар;

- зилзилага бардошлилик тадбирлари кулланилган бино ва иншоотлар;

Зилзилага бардошлилик тадбирларини кулланилмаган бино ва иншоотлар куйидаги турларга булинади:

А1 тури -Махаллий бинолар. Махаллий курилиш материалларидан курилган деворли бинолар: каркассиз хомгиштли, пахса; пойдеворсиз сомонли ёки хом гиштдан, текисланган ёки синик тошлардан лой билан бурчакларга куйиб терилган ва хоказо.

А2 тури - Махаллий бинолар. Тош гишт ёки бетон пойдеворли сомонли ёки хом гишт
деворли бинолар; охакли, цементли ёки мураккаб коришмалар ёрдамида тош синиклари бурчакларга куйиб тартибли терилган; охакли, цементли ёки мураккаб коришмалар ёрдамида катламли тошлардан терилган; «мидис» турида терилган;- ёгоч каркасли (синчли, чупкори) сомон ёки лой билан тулдирилган, огир тупрок ёки лой томли бинолар.

Б тури - Махаллий бинолар. Ёгоч каркасли сомон ёки лой билан тулдирилган енгил томли бинолар;

Б1 тури - Махаллий бинолар. Охакли, цементли ёки мураккаб коришмалар ёрдамида пишган гиштдан, йунилган тошлардан ёки бетон блоклардан терилган бинолар.
ёгоч шитли деворли бинолар.

Б2 тури - охакли, цементли ёки мураккаб коришмалар ёрдамида пишган гиштдан, текисланган тошлар ёки бетон блоклардан терилган иншоотлар, В тури - Махаллий бинолар. Ёгоч уйлар

В] тури - Жамоа бинолари. Темир бетонли, каркасли, йирик панелли ва йирик блокли
уйлар.

В2 тури - Иншоотлар. Темир бетонли иншоотлар: силос саклаш ва сув хайдаш миноралари, маёклар, басейнлар ва х.к

Зилзилага бардошлилик тадбирлари кулланилган бино ва иншоотлар куйидаги турларга булинади:

СТ тури - 7 балли зилзилага бардошлилик тадбирлари кулланилган умумий бинолар ва иншоотларнинг хамма тури (Риштли, блокли, панелли, бетонли, ёгоч ва бошкалар)

СТ тури – 8 балли зилзилага бардошлилик тадбирлари қўлланилган умумий бинолар ва иншоотларнинг ҳамма тури

СТ тури -9 балли зилзилага бардошлилик тадбирлари қўлланилган умумий бинолар ва иншоотларнинг ҳамма тури.

Хисот китоб

### 7.2. Зилзилада авария қутқарув ишларини олиб бориш.

Зилзалада авария қутқарув ишларини асосини вайронала рда одамларни қидири топиш ва уларни қутқариш ишлари ташкил қилади. Кўп ҳолларда жабрланувчилар вайроналарнинг пастки қисмида қолиб кетадилар. Уларни қутқариш учун қутқарувчилар энг яқин масофа ва энг қулай жойларни ҳисобга олган ҳолда торроқ ўтиш жойлари очадилар. Ўтиш жойлари горизонтал, қия ва вертикал йўналишда очилиши мумкин. Ўтиш жойининг оптимал кенглиги – 0.8-0.9 м, баландлиги – 0.9-1.0 м. Ўтиш жойларини очиш ишларини бир неча гуруҳ (3-4 кишидан) олиб боради, қўлда ёки асбоблар ёрдамида. Уларнинг вазифаларига вайронани тозалаш, ўтиш жойини очиш, жабрланганларни озод қилиш ва уларни кўчириш киради.Ўтиш жойларини

очишда қутқарувчилар тўртоёқлаб, қорнида ётган ҳолда ва орқасига ётган ҳолда ҳаракатланадилар. Агар қутқарувчилар ҳаракатига йирик темирбетон, металл, тахта ва ғишт синиқлари ҳалақит қилса, уларни айланиб ўтиш, бунинг имкони бўлмаса тўсиқни бузиш, кўп ҳолларда тешик тешиш мумкин.

Ўтиш жойларини очишда катта аҳамият унинг деворлари қулаб кетиши олдини олиш мақсадида мустаҳкамлашга қаратилади. Бунинг учун олдиндан тайёрлаб қўйилган махсус материаллардан фойдаланилади – брус, тахта, устунчалар, шитлар.

Ўтиш жойларини очиш вақтида вайрона устида қутқарувчилар ва техниканинг ҳаракатланишига йўл қўйилмайди.

Ўтиш жойлари очиш ишлари тугатилгандан кейин ва бақувватлаштирилгандан кейин қутқарувчилар жабрланганларни қутқаришга киришадилар. Биринчи навбатда жабрланувчининг ҳолати ва жароҳатланиш даражаси аниқланади. Тананинг қисилиб қолган ва босилиб қолган қисмлари озод қилинади, бир вақтнинг ўзида жгут ва боғичлар боғланади, оғиз ва бурун бўшлиғи тозаланади, жабрланувчи устидаги синиқлар олиб ташланади. Жабрланувчининг ҳолатидан келиб чиқиб уни кўчириш усули танланади.



12-расм. Жабрланувчилар вайроналарнинг пастки қисмида қолиб кетганда қидирув қутқарув ишларини олиб бориш.

Жабрланувчини вайронадан қутқаришни камида иккита қутқарувчи амалга ошириши зарур. Имкони борича жабрланувчини қўлидан ёки юқори елка қисмидан тортиб чиқарилади.

Агар Жабрланувчи йирик ва оғир элемент остида қолиб кетган бўлса, уни дамкратлар, юк кўтариш техникаси ёрдамида озод қилинади. Жабрланувчи ерга тақалиб турган бўлса унинг остини қазиш орқали қутқариш мумкин.

Вайроналарда қолиб кетган инсонлар асосан мия сҳайқалиши, қўл -оёқ синиши каби жароҳатлар оладилар. Баъзи ҳолларда узоқ вақт давомида мушаклар ва ички органларнинг эзилиши – узоқ вақт эзилиш синдроми учрайди.

Жароҳатларнинг бу тури тананинг қисилиб қолган қисмида қон айланиши ва модда алмашинувининг тўхтаб қолиши билан характерланади. Бу эса тананинг шу қисмида заҳарли моддалар ҳосил бўлиши ва тўқималар бузилишига олиб келади. Қисилиб қолган тана қисми халос қилиниб, қон айланиши тиклангандан сўнг организмга кўплаб заҳарли моддалар (токсинлар) келиб тушади. Бу қисилиб қолган жой майдони ва давомийлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Токсинлар танага тарқалиши билан бирга зарарланган тана қисмларига катта ҳажмда қон плазмаси қуйилиб келади (баъзида 3-4 л). Тана қисмлари шишади, мушаклар шакли бузилади, шишган жойлар катта зичликка эга бўлади, бу эса оғриқни ҳосил қилади. Юқорида айтиб ўтилган токсинлар ва плазманинг қуйилиши организмнинг барча тизимларини ишдан чиқариб, жабрланувчининг қутқарилганидан кейин биринчи дақиқаларда вафоти сабаби бўлиши мумкин.

Зарарланган мушакларда токсинларнинг ҳосил бўлиши билан бирга миоглобин молекулалари ҳам ҳосил бўлади. Улар қон билан буйракка ўтиб, унинг каналлчаларини ишдан чиқаради, бу эса буйрак ишдан чиқиши сабабли инсон ўлимига олиб келиши мумкин.

Жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун уни босилиб қолган тана қисмини озод қилишдан олдин унинг қонига плазмали эритмалар қуйилиши, кўп миқдорда илиқ ичимлик ичириш, тананинг зарарланган қисмларига совуқ нарса бостириш лозим. Озод қилиниши билан тананинг эзилган қисмини таранг қилиб бинт билан ўраш лозим, бу шишиш ва плазма қуйилиши

олдини олади. Суяклар синган-синмаганидан қатъий назар шиналар қўйилади, совуқ нарса босилади, оғриқни босувчи дорилар берилади ва зудлик билан “сунъий буйрак” аппарати мавжуд касалхонага олиб борилади.

Қутқарувчи учун эзилиш бошланган вақтни билиш жуда муҳим, чунки, дастлабки икки соат ичида бу жароҳатни даволаш мумкин ва инсон учун хатарсиз. Шу вақт ичида қутқарувчилар иложи борича кўпроқ одамларни озод қилишлари зарур.

Узоқ вақт эзилиш синдромида ёрдам кўрсатишнинг рационал методикаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

1. Бахтсиз ҳодиса юз берганда дастлабки икки соат мобайнида барча кучлар ва воситаларни жабрланувчиларни босилиб қолишдан озод қилишга сафарбар қилиш, бу токсикоз бошланиши ҳолларини минимумга етказади.
2. Икки соат ўтиши билан жабрланувчиларни икки гуруҳга (енгил ва оғир жароҳатланганлар) бўлиш лозим. Жароҳат характери эзилган тўқималар массаси ва жабрланувчининг умумий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади.

Енгил жароҳатланган жабрланувчиларни тезлик билан озод қилиш ва даволаш масканига йўналтириш лозим.

Оғир жароҳатланган жабрланувчиларни шундай озод қилиш керакки, уларни транспортировка қилиш пайтида зарарланган тўқималарда қон айланиши тикланмаслиги лозим.

3. Оғир жароҳатланганлар реанимацион терапия ва жарроҳликка муҳтож бўладилар. Шунинг учун улар стационар даволаш масканларига йўналтирилмоғи лозим.

Агар жабрланувчини транспортировка қилишнинг имкони бўлмаса, шу жойда жгутни ечмасдан туриб жабрланувчи розилиги билан тана қисмини ампутация қилиш лозим.

Ушбу методика токсикоз ривожланиши олдини олиш ва иложи борича кўпчиликнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради.

Фавқулодда вазият ҳудудида қисман бузилган бино ва иншоотлар қолади. Улар тўсатдан қулаб кетиши мумкинлиги билан хатар туғдиради.

Бундай бино иншоотлар қулаб кетмаслиги учун мустаҳкамланиши ёки қулатилиши лозим. Қулатиш асосан уч усул билан амалга оширилади:

- Шар-болға ёрдамида;
- Тортиш мосламаси (лебедка, трактор, машина) ёрдамида;
- Портлатиш орқали қулатиш.



13-расм. Шар-болға ёрдамида



14-расм. Тортиш мосламаси (лебедка, трактор, машина) ёрдамида

Портлатиш ишларини махсус тайёргарликка эга қутқарувчилар олиб боришлари лозим. Ушбу ишлар олиб бориладиган ҳудуд чегараланган бўлиши керак.

Кўп бино ва иншоотлар ертўла, қутқарув хоналарига эга бўлиб, у ерда одамлар қолиб кетиши мумкин. Ҳосил бўлган вайроналар одатда чиқиш йўлларини тўсиб қўйиб, ҳаво алмашинишига тўсқинлик қилади, одамларнинг мустақил равишда чиқишларига тўсиқ бўлади.

Қутқарувчиларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- босилиб қолган ертўла ва хоналарни қидириш;
- ертўла ва хонадаги шароитни аниқлаш (неча киши борлиги, уларнинг ҳолати, хонанинг шикастланганлик даражаси, сув ва егуликнинг бор йўқлиги)

- хона ва ертўлада ҳаво алмашинувини таъминлаш, хонага сув, озуқа, дори-дармонлар ва ҳимоя воситаларини етказиб бериш;
- тозалаш, хона ва ертўлаларни очиш, жабрланувчиларни эвакуация қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш.



15-расм. Босилиб қолган ертўла ва хоналарда ҚҚИ олиб бориш.

Босилиб қолган хона ва ертўлалар қидируви шаҳар ва кўча планлари, ташқи кўриниши, товуш сигналларига қараб, итлар ёрдамида олиб борилади.

Хона ва ертўлалар топилгандан кейин жабрланувчилар билан алоқа ўрнатилади (овоз, тақиллатиш, радио алоқа ёки телефон орқали). Бир вақтнинг ўзида қутқарувчилар тозалаш ва хонани очишга киришадилар. Биринчи навбатда люклар, эшиклар, ҳаво айланиш қувурлари жойлашган жойлар тозаланади. Агар бундай имконият бўлмаса қутқарувчилар хона деворини тешадилар. Бундай ишлар бетон бузиш асбоблари (болға, перфоратор, лом, кувалда, белкурак) ёрдамида амалга оширилади. Девордаги тешилган тешиклар хонада ҳаво айланиши, сув, озуқа ва дори-дармонлар етказиб беришга хизмат қилади. Уларни кенгайтиргандан сўнг одамларни эвакуация қилиш учун фойдаланилади.

Вайроналарда ҚҚИ олиб боришда жуда кўп ҳолларда машина ва механизмлар ишлатилади. Улар ёрдамида ўтиш жойлари ва йўллар

тозаланади, конструкцияларнинг оғир элементлари кўчирилади ва қулатилади, қутқарувчилар ва жабрланувчилар ташилади.

Ер устидаги қисман шикастланган иншоотларда инсонларни қутқариш ишлари юқоридан кузатиш ва ташқи капитал деворларнинг шикастланганлик даражасини аниқлаш, осма конструкциялар ҳолатини баҳолашдан бошланади. Ички хоналар, инсонлар жойлашган жойлар ва уларни эвакуация қилиш йўллари аниқланади. Зарур бўлганда иншоот балкалари, фермалари хатчалар қўйиш, устунлар ўрнатиш орқали мустаҳкамланади. Қутқарувчиларни баландликка кўтаришнинг асосий воситаси бўлиб нарвонлар хизмат қилади.

Нарвонлардан фойдаланганда:

- уни мустаҳкам жойлаштириш;
- нарвоннинг поғоналарига оёқнинг олди ёки ўрта қисми билан чиқиш;
- поғона ёки нарвоннинг ён қисмларини қўл билан маҳкам ушлаш;
- ўз танасини нарвонга яқинроқ тутиш;
- аста-секин, нарвонни силтамасдан ҳаракатланиш лозим.

Қутқарувчилар нарвонларда ҳаракатланганда бир томонлама ва диагонал усуллардан фойдаланиб ҳаракатланадилар. Бир томонлама ҳаракатланиш усулида кейинги поғонага бир вақтда чап қўл ва чап оёқ ёки ўнг қўл ва ўнг оёқ кўтарилади. Диагонал усулда – бир вақтда ўнг оёқ ва чап қўл ёки чап оёқ ва ўнг қўл кейинги поғонага кўтарилади.

Мустаҳкам ўрнатилган ва сирғалиб кетиш олдини олиш воситалари ўрнатилган нарвонлардан фойдаланиб юқорига кўтарилиш лозим. Хатарсиз ўрнатиш бурчаги - 75$^{o}$. Нарвондан одатда бир киши кўтарилади ёки тушилади.

Қутқарувчининг нарвондан ойнага (ўтиш жойига) ўтиши қуйидагича амалга оширилади. Ойна (ўтиш жойи) баландлигига кўтарилгач бир қўл билан нарвонни ушлаш, оёқ билан токчага чиқиб, бир вақтнинг ўзида иккинчи қўл билан деврни ушлаб, оёқни нарвондан олинади ва пол устига тушилади.

Агар ойна ёпиқ ёки панжараланган бўлса, қутқарувчи ойна баландлигида нарвонда мустаҳкам жойлашиб аввал ойнани очиши ва кейин бинога кириши лозим.

Ойна ёки томдан нарвонга ўтиш учун қутқарувчи нарвоннинг устки қисмига яқин келиб, бир қўли билан устки поғонани ташқи томонидан ушлаши, ўзини нарвонга яқин тутиши, нарвонга юзланган ҳолда 180º га бурилиши, бир оёғини поғонага қўйиб, иккинчи қўли билан поғонани ушлаб туриши ва иккинчи оёғини поғонага қўйиши лозим.

Қутқарувчиларни баландликка кўтаришда махсус нарвонлардан фойдаланилади. Уларда 13 та поғона бўлиб, учида махсус тишли илгаги бўлиб ойна ва ўтиш жойлари токчасига илинади (қотирилади). Бу нарвонни иккинчи қават ойнасига илиш учун уни юқори кўтариб ойна токчасининг ўнг қисмига илинади. Илингандан кейин Қутқарувчи нарвондан кўтарилади. Токчага чиқиш вақтида ўнг оёқ нарвоннинг тўққизинчи (ўнинчи) поғонасида, қўллар эса ўн учинчи поғонада бўлиши лозим. Қўллар билан нарвонни ушлаган ҳолда чап оёқни токчадан ошириб, токчага ўтириб олиш лозим ва ўнг оёқни тўғрилаб бинога кириб олиш керак.

Учинчи ва ундан юқори қаватларга чиқишда токчага ўтирган ҳолда нарвоннинг ўн иккинчи поғонасидан ўнг қўл билан ушлаб, чап қўл билан илгагидан ёки ўн учинчи поғонасидан ушлаб, кескин силтаб нарвонни кўтариб илгагини ўзига қаратилади. Нарвонни ёнидан ушлаб, унинг илгаги токчадан 15-20 см юқорига чиққунча кўтарилади. Илгаги ойнага қаратиб олиниб, токчага илинади.

Токчадан нарвонга ўтиш:

- ўнг оёқ биринчи поғонага қўйилади;
- чап қўл билан тўртинчи (бешинчи) поғона ички томонидан ушланади;
- ўнг қўл билан бешинчи (олтинчи) поғонанинг ташқи томонидан ушланаб ўнг оёқ тўғрилангунча кўтарилади, чап оёқ нарвон ёни – токчага қўйилади;

- чап оёқ билан токчадан итарилиб, қўллар билан тортилиб, ўнг оёқ билан учинчи (тўртинчи) поғонага чиқилади ва чиқишда давом етилади.

Керакли қаватга етганда, қутқарувчи токчага ўтириб, чап оёқни полга қўйиб, чап қўл билан илгакдан тутиб, ўнг оёқ ойнадан ўтказилади.

Бундай нарвондан пастга тушиш қуйидагича амалга оширирлади:

- ўнг оёқни токчадан ошириб;
- токчага ўтириб олиб;
- қўллар билан юқори поғонадан ушлаб;
- ўнг оёқ тўққизинчи (ўнинчи) поғонага қўйилади;
- нарвон кўтарилади, илгаги ўзига қаратилади ва илгаги бош устига етгунча нарвон пастга туширилади, нарвон илгаги токчага илинади.

Томда қолиб кетган одамларни қутқариш учун Қутқарувчилар қуйидагилардан фойдаланиб улар олдига кўтариладилар:

1. Нарвонлар (илгакли, осма, арқонли).
2. Арқонли тизимлар.
3. Махсус кўтаргичлар.
4. Бинонинг омон қолган зиналари.



16-расм. Жабрланганларни вайронадан эвакуация қилиш.

Қутқарув ишларида қуйидаги жиҳоз ва воситалардан фойдаланилади.



Бузилган элемнтларни кўтариш мосламаси



Домкрат



Кирка



Кувалда



Белкурак



Резина шлангли ғалтак

Зилзилани оқибатини бартараф қилиш ишларида қутқарувчиларнинг ва иш ташкилотчиларининг малакаси билим ва кўникмлари қанчалик юқори бўлса вайроналар остидан инсонларни қутқариб олиш ҳамда авария тиклаш ишларининг муваффақиятли ўтказилади.

# 8. ОБЪЕКТДА МЕҲНАТ МУХОФАЗАСИ МАСАЛАЛАРИ

Барча объектлардаги каби меҳнатни муҳофаза қилиш, Паркент – Қорасув ИТБ Юқори Чирчиқ бўлимида ҳозирги кунда ҳаракатдаги меҳнат мухофазасининг меъёрий хуқуқий ҳужжатлари талаб, қоидалари доирасида олиб борилади.

Паркент – Қорасув ИТБ Юқори Чирчиқ бўлимида меҳнат мухофазаси масалалари ушбу бўлимда олиб бориладиган ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ. Ушбу жараёнда ирригация, мелиорация тизимидаги ишларни бажарилишидир. Бундай ишлар таркибига каналларни, зовурларни тозалаш, гидротехник иншоотларни таъмирлаш, туман худудидаги фойдаланиладиган йўлларни ва бошқа техник хизмат жиҳозларни назорат қилиш, зарурий таъмирлаш ишларини ўтказиш ва шу каби ишлардир.

Объектдаги меҳнат мухофазаси масалалари ушбу соҳа бўйича яратилган қонуний-ҳуқуқий хужжатлар талаблари ва қоидалари бўйича ечилади.

Ўзбекистон Республикасида ишловчиларнинг соғлигини ва ҳаётини муҳофаза қилиш қуйидаги асосий манбаларда кўзда тутилган:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси;
4. Техника хавфсизлиги, ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенасига оид стандартлар, меъёрлар, қоидалар, низомлар, йўриқномалар ва ҳ.к.

Республикамизда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳукуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида шундай дейилган: -„Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш... ҳуқуқига эгадир”. Конституциянинг 36 -42 - моддаларида инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, 4 5-50 - моддаларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари кафолатланган ва бурчлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғри - сида»ги Қонуни ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни таш кил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фукароларнинг соғлиғи ва меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқгисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбир-лари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси марказий касаба уюшмасининг қўмитаси қошидаги меҳнатнинг техникавий ва ҳуқуқий инспекциялари корхонада назорат текширишни амалга оширади. Меҳнат техник инспекцияси қоидаларига амал қилиб, меҳнат ҳақидаги қонунларнинг ва меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қоидаларни риоя қилишини назорат қ илади ва текшириб туради. Меҳнат техник инспекторлари текширганда агар меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилганлиги ва натижада ишловчилар соғлиғига зарар етиши мумкинлиги аниқланган бўлса буйрук бериш ёки пломбалаш йўли билан айрим участка, станок ёки ускуналарда ишлашни тақиқлаб қўйишга ҳаклидирлар.

Корхона назорати — хўжаликда, шунингдек, меҳнат муҳофазасига доир ишларни ташкил қилиш ва унга умумий раҳбарлик қилиш корхоналарда

ўринбосарлардан бирига, жамоа хўжаликларида раҳбарлар зиммасига юклатилади.

Хўжаликда меҳнат муҳофазасига доир барча ташкилий ишларни (Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси» қонунининг 14 - моддасига асосан «хўжаликларда ишчилар сони 50 дан ортиқ бўлса, у ҳолда меҳнат муҳофазаси (мансаби киритилади) хизмати махсус тайёргарликка эга бўлган шахслардан ташкил этилади, агар 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлса, ундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича хизмати ташкил қилинади) меҳнат муҳофазаси бўйича катта муҳандис ёки муҳандис ўтказади.

Жамоат назорати — бу ишни меҳнат жамоалари ва касаба уюш-маси органлари томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакил томонидан олиб борилади. Махсус тайёргарлиқдан ўтган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил, иш жойларида, меҳнат хавфсизлиги ҳолатини қаршилик кўрсатилмаган ҳолда текшириш, аникланган камчиликлар ва қоида бузганликлари бўйича таклифлар киритиш ва уларга айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш хуқуқига эгадир. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ўз вазифаларини бажаришлиги учун ҳар ҳафта мобайнида, иш вақтида, икки соатдан кам бўлмаган ва ўртача ҳақ тўлаш миқдорида вақт берилади.

Маъмурий-жамоат назорати — меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимида иш жойларида шароитнинг ва меҳнат хавфсизлигининг ҳолатини маъмурият ва касаба уюшмаси кўмитаси томонидан назорат қилишнинг шаклидир.

Сув ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос томонларига қараб маъмурий-жамоат назорати (Меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил қилиш бўйича намунавий низом — 1996) уч босқичда амалга оширилади: меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳар куни иш бошланишидан олдин, зарур бўлганда иш куни давомида ҳам амалга оширади. Аниқланган камчиликлар текширувчилар иштирокида шу заҳотиёқ йўқотилади, текшириш натижалари журналга ёзилади ва у участка бошлиғида сақланади.

Иккинчи босқичдаги назоратни цех бошлиғи ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакил бошчилигидаги комиссия ойига камида 2 марта ўтказади. Комиссия таркибига цехнинг техник хизмат бошликлари, корхонанинг меҳнат муҳофазаси бўлимининг муҳандиси ва цехга бириктирилган тиббий ходим киради.

Назорат жадвали цех меҳнат муҳофазаси вакили билан келишилган ҳолда цех бошлиғи томонидан ўрнатилади ва ҳамма участка бошлиқларининг қўлига берилади. Текшириш натижалари иккинчи босқич назорати журналига ёзилади ва цех бошлиғида сақланиши лозим. Комиссия аъзолари чора-тадбирлар ишлаб чиқади, цех бошлиғи эса бажариш вақтини ва бажарувчи шахсларни белгилайди.

Назоратнинг учинчи босқичи корхонанинг раҳбари ёки бош муҳандиси ва касаба уюшмасининг вакили раҳбарлигидаги комиссия ёрдамида бир йилда 4-12 марта амалга оширилади.

Комиссия таркибига меҳнат муҳофазаси бўйича бош муҳандис ўринбосари, касаба уюшмасидаги меҳнат муҳофазаси бўйича ко -миссиянинг раиси, техник хизмат кўрсатиш раҳбарлари, техника назорат раҳбарлари ва корхонанинг газдан сақланиш хизматининг бошлиғи киради. Назоратга меҳнат муҳофазаси бўйича вакилни жалб қилиш таклиф қилинади. Текшириш натижалари бўйича Далолатнома тузилади ва бир ҳафта ичида касаба уюшмасининг активи иштирокидаги йиғилишда муҳокама қилинади. Йиғилишни баённома ёзиш билан олиб бориш ва унда камчиликларни йўқотиш бўйича чора-тадбирларни ким томонидан бажарилиши ва санаси белгиланиши лозим. Зарур ҳолларда корхона раҳбари текшириш натижалари бўйича буйруқ чиқаради.

Биз қуйида меҳнат мухофазасини бошқариш тизими масалалари билшан боғлиқ бўлган ҳисоб китобни амалга оширдик.

Объектларнинг ишчилар, инженер-техник ходимлар, бошқармалар ва трестлар бошкарув ходимларнннинг иш хақини аниқлаш ой якуннга биноан меҳнатда катнашганлик коэффициентн асосида ҳисобланади. Шу

муносабат билан хар ойда ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг меҳнат мухофазаси бўйича килган ишларп тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш лозим. Меҳнат мухофазасини бошқариш системасини жорий этиш ишчи ва ходимларнинг хавфспзлик коэффициентига боглаб бориш ёрдамида бу масалаларни хал килиш мумкин. Бундан таищарп мехнат муҳофазасини боищариш системаси ишлаб чнщгаган мехнат муҳофазаси талабларпни бузганлик классифпкатори ва мехнат муҳофазасп хнзмати ходпмларининг курилиш объект- ларнда хавфсизлик техникасп х;олатини назорат цилишга кенгроқ жалб этади ва уларнннг масъулиятнни оширади хамда текширпш спфатпни бирмунча яхшилайди.

Объектда асосий ишлаб чиқариш жараёнлари қуйида келтирилган.

6-жадвал

Юқори Чирчиқ тумани Паркент Корасув ИТБ бўлимидаги иншоот ва жихозларни таъмирлаш ишлари

| ГТИ таъмирлаш | | ГП таъмирлаш | | Фермерлар сув олиш жихозларини таъмирлаш | | Каналларни қўл кучи ёрдамида тозалаш, км | | Канал ва ариқларни механизмда тозалаш, км | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| дона | Ишчилар сони, нафар | дона | Ишчилар сони, нафар | дона | Ишчилар сони, нафар | Ишчилар сони | узунлиги | Ишчилар сони | узунлиги |
| 105 | 19 | 160 | 10 | 989 | 29 | 181 | 634,4 | 5 | 78,12 |

$$XK = 1 - \frac{n}{N}$$

$$XK = 1 - \frac{XK/I/ \, XK/II/ \, XK/III/ \ldots XK}{N}$$

$$XK = 1 - \frac{n}{N}$$

ХК = 1 — 0,95 — «Аъло»
ХК = 0.94 — 0,85 — «яхши»
ХК = 0,84 — 0,70 — «қониқарли»
ХК 0,70 дан паст бўлса — «қониқарсиз»

Обектдаги ишлар бажарилганда алоҳида шу ишларни бажарувчи ишчилар учун хавфсизлик коэффициентини аниқлаймиз.

$$XK = 1 - \frac{n}{N \cdot P}$$

n – 1ой давомида ишчилар томонидан йўл қўйилган хатоликлар сони.
N – ишчилар учун меҳнат мухофазаси талабларини бузганлик классификаторлар пунктларининг умумий сони.
P – ишчининг ой давомида ишлаган куни.

Канал тозалаш, экскаваторчи

n=3 N=10 P=22

$$XK = 1 - \frac{n}{N \cdot P} = 1 - \frac{3}{10 \cdot 22} = 0{,}99$$

Бульдозер машинисти

n=5 N=12 P=22

$$XK = 1 - \frac{n}{N \cdot P} = 1 - \frac{3}{12 \cdot 22} = 0{,}98$$

ГТИ таъмирлашда ишчининг хавфсизлик коэффициенти

n=6 N=14 P=22

$$XK = 1 - \frac{n}{N \cdot P} = 1 - \frac{6}{14 \cdot 24} = 0{,}98$$

Гидропостларни таъмирлашда ишчининг хавфсизлик коэффициенти

$$n=6 \quad N=8 \quad P=21$$

$$XK = 1 - \frac{n}{N \cdot P} = 1 - \frac{6}{8 \cdot 21} = 0{,}96$$

Сув олиш қулоқларини жиҳозлашда

$$n=4 \quad N=11 \quad P=22$$

$$XK = 1 - \frac{n}{N \cdot P} = 1 - \frac{4}{11 \cdot 22} = 0{,}98$$

Юқоридаги коэффициентлар бутун йил давомида аниқланиб қуйидаги жадвалга қараб ишчи-ходимларнинг моддий рағбатлантириш мақсадида турли коэффициентлар қўйилади.

| | |
|---|---|
| Кш.ҳ.в. = 100 % бўлса:<br>ХК = 0,94 — 0,85<br>Кс.у.в. = 99—95 % | Ошириш ҳам пасайтириш керак бўлмаган коэффициент қўйилади. |
| Кш.ҳ.в. — 99 % бўлса:<br>ХК = 0,84 — 0,70<br>Кс.у.в. = 94—85 %<br>Кш.ҳ.в. 94—85 % бўлса: | Пасайтирилган коэффициент қўйилади. |
| ХК = 0,70 дан паст бўлса:<br>Кс.у.в. = 85 дан паст бўлса: | Ходим лавозимидан маълум муддатга қуйи лавозимга ўтказилади. |
| Кш.ҳ.в. = 85 % дан паст бўлса: | Ходим лавозимидан маълум муддатга қуйи лавозимга ўтказилади. |

Юқоридаги ҳисоблар асосида меҳнат шароитини яхшилаш натижалари ва иш-ходимларнинг меҳнат мухофазасиқоидалариг риоя этишлари аниқланади ва улар турли даражада рағбатлантирилади.

## 9. ОБЕКТДА АТРОФ МУҲИТ МУХОФАЗАСИ МАСАЛАЛАРИ

Обектимиз Юқори Чирчиқ тумани ҳудудида турли хавфли табиий жараёнлар вужудга келиш эҳтимоли юқоридир. Чунки ҳудудда зилзила, ер кўчкиси, сув тошқини, кучли шамол ва бошқа экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар юз бериши мумкин.

Юқоридаги жараёнлар Ернинг ички энергияси ҳисобига вужудга келади. Ер қаърида юз берадиган турли жараёнлар натижасида юзага келувчи кучлар таъсирида Ер қобиғи қатламларининг ҳаракатга келиши, силжиши, ётиш ҳолатининг ўзгариши тоғ жинслари қатламларида узилишларни юзага келтиради. Бу ҳодисаларни юзага келтирувчи кучлар тектоник ҳаракатлар деб аталади. Тектоник кучлар тоғ жинсларига икки йўналиш бўйича таъсир этади:

1. Радиал - тоғ жинслари қатламларига нисбатан тик йўналишда бўлиб, бу таъсир остида тоғ жинслари қатламларида узилишлар вужудга келади ва у ер сатҳининг кўтарилишига, баъзи ерларнинг чўкишига сабаб бўлади.

2. Тоғ жинслари қатламлари бўйлаб таъсир этувчи кучларга тангенсиал кучлар дейилади. Бу кучлар таъсирида тоғ жинслари қатламлари букилади, бурмалар ҳосил бўлади. Тангенсиал кучларнинг миқдори радиал таъсир этувчи кучларга қараганда бир неча маротаба каттадир.

Тектоник кучлар таъсирида юзага келувчи ҳаракатлар орогеник ёки тоғ ҳосил қилувчи ҳаракатлар деб аталади.

Умумий, геология фанидан бизга маълумки, Ер сайёраси тарихида (Рифей давридан кейин) 3 та тоғ ҳосил қилиш жараёнлари кузатилган. Булар: коледон, герцин ҳамда энг ёши альпдир. Альп тоғ ҳосил бўлиш жараёни палеоген даври охирларидан бошланиб, ҳозирги кунгача давом этмоқда.

Тектоник ҳаракатлар ер қимирлаш (зилзила) ларни, вулқон ҳодисаларини ҳамда ер юзасида юз берадиган экзоген жараёнларнинг содир бўлишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ернинг литосфера қатламида юз берадиган динамик (тектоник) ҳаракатлар тафсилотининг таҳлил килиниши зилзиланинг юзага келиши сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Бу қатлам Ер куррасини унинг радиусига нисбатан жуда юпқа қатлам ҳосил қилиб ўраб туради. Қатламнинг қалинлиги океан тубида тахминан 70 км ни, қуруқликда 150 км ни ташкил қилади. Буни кўз олдига келтириш учун Ер куррасини тухум деб тасаввур қилинса, литосфера қатлами унинг пўчоғи қалинлигига тенг, деб тахмин қилинади. Бу ўрам яхлит эмас, у катта-катта бўлакларга бўлингандир. Бу бўлаклар бир неча юз км$^2$ дан 1 неча минг км$^2$ га тенгдир.

Литосфера ўрами остидан узоқ геологик даврлар давомида ҳаракатга келтирувчи тектоник кучлар таъсир қилади. Бу кучларнинг юзага келиши ҳали тўлиқ аниқланмаган. Ер қаърида ҳаракатланувчан юқори ҳароратли қовушқоқ моддалар ҳаракати бунга сабаб бўлиши мумкин. Баъзи ерларда бу модда литосфера ўрами бўлакларини ёриб, суриб ер юзасига чиқиши (Ўрта Атлантик тоғ тизмасида) ёки бўлакларни бир-бирига нисбатан горизонтал ҳаракати натижаси бўлиши мумкин, яна литосфера ўрамининг бир бўлагини иккинчисининг остига кириши сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Литосфера ўрамларини бир-бирига нисбатан юз берган йўналишидан қатъий назар, унинг ҳаракати зилзиланинг юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун кузатилган зилзилаларнинг 95% и литосфера ўрами бўлаклари чегарасига тўғри келади. Литосфера ўрамларида бўладиган ҳаракат билан боғлиқ бўлган зилзилаларга тектоник зилзилалар дейилади.

Қия сатҳларда тоғ жинсларининг катта бўлакларининг ағдарилиши, карст ғорликларининг ўпирилиши натижасида юзага келувчи зилзила денудацион зилзила деб аталади. Бу зилзиланинг тарқалиш майдони кичик, кўп ҳолларда талафотсиз бўлади. Вулқон жараёни, яъни ер остидаги магмани вулқон канали орқали ер юзасига чиқиши билан боғлиқ бўлган

зилзилага вулқон зилзиласи деб аталади. Бу зилзила вулқоннинг фаоллашиши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли аксарият кўп ҳолларда улар аниқ башорат қилинади. Шунинг учун унинг келтирадиган талафоти деярлик кучли бўлмайди. Инсоннинг инженерлик фаолиятлари билан боғлиқ бўлган ер қимирлашлар асосан охирги йилларда ҳисобга олинмоқда. Бу ер қимирлаш йирик сув омборлари вужудга келган ҳудудларда, газ, нефть маҳсулотларининг ер остидан сўриб олиниши жараёни амалга ошган майдонларда юз бермоқда.

Инсон ўзининг инженерлик фаолияти билан муайян геолого-тектоник шароит компонентларига таъсир этиши, у ёки бу даражада ўзгартириши зилзиланинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Дарё водийларига тўғонларнинг қурилиши натижасида майдони бир неча минг км$^2$, ҳажми бир неча юз км$^3$ дан катта бўлган (масалан, чорвоқ сув омборининг умумий ҳажми 2,1 млрд. млн. м$^3$, сув сатҳи майдони 3640 га га тенг) сув омборлари вужудга келмоқда. Ер қаърида 4-5 минг метр чуқурликда ётган газ, нефть ер сатҳига сўриб чиқарилмоқда, ер остида узоқ геологик даврлар мобайнида ётган кўмир ана шу Ер қарида ёндирилиб газга айлантириб олинмоқда, баъзан вақтинча сақлаш мақсадида ер остида ётган тоғ жинслари ғовакларига газ, нефть маҳсулотлари юқори босим остида киритилмоқда, жуда катта миқдордаги минерал сувлар ер остидан чиқариб олинмоқда. Ер қаърининг одамлар таъсир этиш жойларида йиғилаётган энергия миқдорининг у ёки бу даражада ошиши ёки камайиши оқибатида содир бўлган ер қимирлашлар Ҳиндистон, АҚШ, бизнинг мамлакатимида кузатилганлиги фанга маълум. Жумладан, Чорвоқ сув омбори қурилиб бўлгандан кейин бу территорияда бир қанча марта ер қимирлашлар бўлиб ўтди. Олиб борилган тадқиқот ишларининг кўрсатишича, бу ер қимирлашлар ўзларининг тайёрланиш, содир бўлиш механизмлари билан Чорвоқ сув омборига йиғилган сувнинг миқдори ва йиғилган сувни сув омборидан чиқарилиши тезлиги билан боғлиқ ҳолда юз бериши кузатилган. Бунга биринчидан, сув омборининг 2,1 млрд м$^3$ дан ортиқ сув билан тўлатилиши жараёнида, омбор тубида ётувчи тоғ жинсларининг сиқилиши ва таранглашиши оқибатида юз берадиган микросиниқлар, дарз

кетишлар ва уларнинг нисбий ҳаракати сабаб бўлса, иккинчидан, сувни сув омборидан бир меъёрда чиқарилмаслиги ва тоғ жинсларига таъсир қилувчи кучларнинг номутаносиб ҳолатда бўшатилиши, ўзгариши сабабчи экан. Республикамизнинг Ғарбий платформа (текислик) қисмида 1976, 1984 йилларда Газлида юз берган 8-10 балли ер қимирлашларни баъзи олимлар, ана шу территориядаги мавжуд газ конлари ва улардан газни сўриб олиш жараёни билан боғлашади.

Тектоник зилзилаларнинг эпицентри, асосан, Альп тоғ ҳосил бўлиш жараёни кузатилаётган майдонларда жойлашган бўлиб, планетамизда бу ҳаракатларга мойил бўлган иккита белбоғ ажратиш мумкин.

1. Тинч океани сейсмик минтақаси бўлиб, бу майдонга океанни ўраб турган Америка қитьасининг тоғли ўлкалари Аляска, Алеут, Камчатка, Курил, Янги Гвинея, Япония давлати ҳудудлари киради.

2. Альп-Ҳимолай минтақасига Ўрта Ер денгизи, Карпат, Кавказ, Яқин ва Марказий Осиё тоғлари орқали Олтой, Саян, Байкалдан Индонезиягача бўлган ҳудудлар киради.

Ҳозирда мамлакатимиз ҳудудида ташкил этилган кузатиш майдонларида ер ости сувлари таркибидаги радон гази миқдори доимий равишда кузатилиб борилади, ҳозирги кунда бу усул билан Республикамизда ва Марказий Осиё мамлактларида рўй берган бир неча зилзила башорат қилинди. Зилзиланинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш учун рўй берадиган ҳудудни аниқ башорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мутахассислар томомнидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

# 10.ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ЗАРАР ТАЛОФАТИНИ АНИҚЛАШ

Юқори Чирчиқ тумани, Паркент-Қорасув ИТБ бўлими ҳудудида фавқулодда вазиятларнинг рўй бериши ИТБдаги бино иншоотлар ва кўплаб моддий техникаларга зарар етказиши мумкин.

Ҳар қандай фавқулодда вазият каби зилзила ўзининг тўсатдан юз бериши мумкинлиги билан хавфлидир. Фавқулодда вазиятлар объектнинг ишлаб чиқариш жараёни ва унинг элементлари мустаҳкамлигига турли даражада таъсир қилиб, моддий зарар ва талофат етказади. Бундай ҳолатда фавқулодда вазиятларни келтирган зарар ва талофатни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фавқулодда вазиятлара моддий зарар қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$М_з=Б_к-И_к-К_к$$

бу ерда:

$М_з$ – корхонага етказилган моддий зарар;

$Б_к$ – корхона бино иншоотларининг элементларининг умумий баланс қиймати ёки таннархи, сум;

$И_к$ – корхона элементларинининг ишлатилгани бўйича меъёрий қиймати, сум;

$К_к$ – корхона элементларининг зарар етмаган қисмининг қиймати, сум.

Моддий зарар (1) корхона элементлари комплекси бўйича қуйидагича хам аниқланиши мумкин:

$$М_{зу} =М_{зб}+М_{зм}+М_{зтб}+М_{п}+ ......$$

Бу ерда:

$М_{зб}$ – бино ва иншоатлар бўйича зарар;

$М_{зм}$ – машина ва механизмлар бўйича зарар;

$M_{зтб}$ – товар ва бошка моддий бойликларга етказилган зарар ва х.к.з.

Моддий зарар корхона элементлари бўйича шу элемент тикланишига кетадиган маблағ қийматига ($Т_к$) тенг бўлади, яъни

$$M_з \approx T_к$$

Товар, мол ёки бошқа махсулотлар бўйича зарар, уларнинг фавқулодда вазиятлар юз берган вақтдаги, хақиқий таннархи қийматига тенг бўлади.

Моддий зарар корхона элементларига етказилган зарар бўйича қуйидагича хам аниқланиши мумкин:

$$M_з = \sim * Б_к$$

бу ерда:

~ - зарар ва талофат даражаси;

Фавқулодда вазиятларда ишчи, хизматчиларнинг эҳтимолий талофатини (n) қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$N = \frac{n}{R} \rightarrow n = R * N$$

бу ерда:

R – фавқулодда вазиятдаги хавф-хатар тури бўйича одамларнинг эҳтимолий талофати даражаси;

N - корхонада ишлаётган ишловчиларнинг сони, киши

Институт ҳудудида фавқулодда вазиятлар содир бўлса унинг зарар талофатини қуйидагича аниқлаймиз:

$M_з$=$Б_к$-$И_к$-$К_к$ =27356-11654-12947=2755 млн сўм;

Моддий зарар корхона элементларига етказилган зарар бўйича қуйидагича хам аниқлаш мумкин:

$$M_з = Б_к \cdot \sim = 27356 \cdot 0{,}5 = 13678 \text{ млн сўм;}$$

Корхона ҳудудида фавқулодда вазият юз берса унинг эҳтимолий зарари 13678 млн сўмни ташкил этади. Ишчиларнинг эҳтимолий талофат даражаси эса 10 кишини ташкил этади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш тўғрисида» ги конуни. 1999 йил 20 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро мухофазаси тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил 26 май.
5. Қудратов О.Қ. ва Ғаниев Т. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси. Тошкент, „Янги аср авлоди”, 2005.
6. ФМИ. Тингловчилар учун ФМ. Тошкент. 2008 й.
7. И.Ахмедов. Ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлиги. Т.:2012.
8. С.Газиназарова, И.Ахмедов, Б.Мухамедгалиев, А.Хожиев. Экологик хавфсизлик. Т.: 2013 й.
9. И.Нигматов, М.Тожиев. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мухофазаси.Т.: 2011 й.
10. Ёнғин хавфсизлиги. 2-нашри./А.Е. Худоев таҳрири остида. –Т.: Ўз.Р. ИИВ ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. – 722 б.
11. С.Газназарова, О.Юлдашев, Э.Ибрагимов, С.Асилова. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Т.:2012 й.
12. М.Отахонов. Қурилишда меҳнат мухофазаси ва хавфсизлик техникаси. Т.:1991й.
13. Саломатлик энциклопедияси. Тошкент 1985й.
14. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқаро муҳофазаси - доимий зарурат Тошкент, 2002.
15. Журнал «Муҳофаза +»
16. www.mchs.gov.uz

17. www.v.-nadzor.uz
18. Нурхўжаев А. ва бошқ. «Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари». «Университет», Тошкент 2001й.
19. «Шикастланган кишиларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш» мавзусидаги тажриба ишини бажаришга мўлжалланган услубий кўрсатма. Тошкент 1998 й.